

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



O'zbekiston Ovozi

№23

2024-yil
5-iyun, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqq boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Фракция фаолияти

Уй-жой субсидияси:
Фракциямиз аъзоси савол қўйди,

ВАЗИР МУДДАТ СЎРАДИ

Ҳар бир ўзбекнинг, ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳаётга, бахтга нисбатан ўзига хос қараши бор. Аксарият одамларда улар бир-бирига ўхшаш бўлади. Шахсий, оилавий бахтнинг марказида кўпинча уй-жой, ватан туради. Хотиржамликнинг асоси ўз уйи, бошпанаси бўлишда, деган дунёқараш асрлар давомида шаклланган. "Ўз уйинг – ўлан тўшагинг" нақли ҳам мавзуга яна бир характерли мисол.

3 САҲИФАДА



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТУРКИЯДА БЎЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг таклифига биноан 6 июнь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф доирасида Анқара шаҳрида икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик ҳамкорлик кенгашининг учинчи йиғилиши ўтказилиши кўзда тутилган.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, саноат, "яшил" энергетика, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик дастури доирасида кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилади.

Фаол маданий-гуманитар алмашувни давом эттириш масалалари кўриб чиқилади. Халқаро сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади.

Олий даражадаги музокаралар яқунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Туркия Президентлари икки мамлакат етакчи корхоналари ва компаниялари раҳбарлари билан биринчи қўшма учрашувини ўтказадилар.

president.uz

Сиёсий пульс: муносабат



БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАР – ИНСОН УЧУН! 2

544 ТА МАҲАЛЛАДА ЯШОВЧИ 2 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ФАВОНИЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ – БУ АЙТИШ МУМКИНКИ, ЯҚИН ИСТИҚБОЛДА БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ СТРАТЕГИК МАҚСАДИ ҲИСОБЛанади.

Нуқтаи назар

7 САҲИФАДА

Ўзбекистонда туғилишни режалаштириш керакми?



2024 йил 22 апрель куни Ўзбекистон аҳолиси сони 37 миллионга етди. Эсингизда бўлса, 36 миллионлик маррани 2022 йил 8 декабрь куни босиб ўтган эдик. Қаранг, 1 йилу 4 ойда яна 1 миллионга кўпайдик. Бундай даражада ўсишни давлат ва жамият кўтара оладими? Асосий савол: туғилишни режалаштириш керакми?

Иқтисодиёт

Кўчмас мулк бозоридаги вазият

6 ЁХУД АҲОЛИНИНГ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗ ЮКИ ЎСАЯПТИМИ? 8

Оғриқли нуқта

БЕКАТЛАР ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН

аммо улар уддабурон тадбиркорлар томонидан эгаллаб олинмоқда



5

Электорат манфаати

КЕКСАЛАР ДОНИШМАНД, ЁШЛАР ШИЖОАТЛИ БЎЛСА...

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЭНГ ФАОЛ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАҚИДА ГАП КЕТГАНДА, "НУРОНИЙ" ЖАМҒАРМАСИ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ВА "КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ" ЖАМОАТ ФОНДИ САНОҚ АВВАЛИДА ТИЛГА ОЛИНАДИ.

SIYOSIY PULS: MUNOSABAT

544 та маҳаллада яшовчи 2 миллиондан зиёд аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш ва камбағалликни қисқартириш – бу, айтиш мумкинки, яқин истиқболда Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий стратегик мақсади ҳисобланади.



БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАР – ИНСОН УЧУН!

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎТГАН ҲАФТАДА БУХОРОГА АМАЛГА ОШИРГАН ТАШРИФИ ЧОҒИДА ХУДУД ИҚТИСОДИЁТИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИБ, ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИНИ ОЧИШ, ЁШЛАРНИ БИЛИМЛИ ВА КАСБЛИ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИГА ТЎХТАЛАР ЭКАН, "ОЁҒИМИЗ ОСТИДА"ГИ ИМКОНияТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, ҲАР БИР ТИЗИМ ҲАР КУНИ МЕҲНАТ ҚИЛИШИ, ИЗЛАНИШИ КЕРАКЛИГИНИ

АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИ. ИШСИЗ, КАМ ДАРОМАДЛИ ВА ЧЕТ ЭЛДА ҚИЙНАЛГАН ОДАМЛАРГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИБ, МУҲИМ ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛИШИ УЧУН ҲАР ТАРАФЛАМА КЎМАКЛАШИШ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ВА СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ОЛДИДА ТУРГАН УСТУВОР ВАЗИФА ЭКАНИГА УРҒУ БЕРИЛДИ. ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАНА ШУ ЙЎСИНДА ИЖТМОИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ

ОШИРИШ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯСИ НЕГИЗИ, ДЕСАК ЯНГЛИШМАЙМИЗ. ШУ МАЪНОДА ДАВЛАТ РАҲБАРНИНГ АЙНИ ТАШРИФИДА КЎТАРИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ДОИРАСИДА ПАРТИЯНИНГ БУХОРОДАГИ ФАОЛЛАРИ ФИКРЛАРИ ВА МУНОСАБАТЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚҚАНИМИЗ БЕЖИЗ ЭМАС.



Зулфия ТҮЙЕВА,
ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси:
– 31 май-1 июнь кунлари давлатимиз раҳбари вилоятимизда бўлиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган лойиҳаларни кўздан кечирди, йирик объектлар қурилишига старт берди, халқ билан мулоқот қилди. Ёғишдунда ўтган йиғилишда эса вилоятимизни камбағаллик, ишсизлик, ва жиноятдан холи ҳудудга айлантириш ҳамда бошқа бир қатор муҳим соҳаларда "Бухоро тажрибаси"ни яратиш заруратига эътибор қаратилди.

Этироф этилганидек, сўнгги йилларда вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсиб, 53 триллион сўмдан ошган, аҳоли жон бошига 26 миллион сўмга етган. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда 4 минг 600 та корхона ташкил этилиб, 90 мингта иш ўрни яратилган. Айниқса, Қорақўл, Жондор, Шофиркон ва Когон туманларининг ҳар бирида саноат ҳажми йилга 1 триллион сўмдан ошгани қувонарлиқдир.

Тўғри, вилоятимизнинг кўп жойида деҳқончиликни ривожлантириш учун тупроқ унумдорлиги талабга жавоб бермайди. Экин экиш учун ернинг шўрини ювиш керак. Мана шундай шароитда биринчи галда одамлар учун иш жойлари очиш ва уларга даромад манбаларини яратишда энг мақбул йўл саноатни тараққий эттиришдир. Шу нуқтаи назардан Президентимиз Бухорода саноатга кўпроқ эътибор берилаётгани сабабини айтиб ўтар экан, бу йўналишда яна фойдаланишга топширилаётган янги лойиҳалар атрофида бир нечта корхоналар ва иш ўринлари пайдо бўлишини, пировард натижада одамларнинг уйига ёруғлик, ишонч ва умид киришини қайд этди.

Маълум бўлишича, охириги етти йилда вилоятга қарийб 4 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинган. Уларнинг натижасида 90 мингта иш ўрни ва 1 миллиард 800 миллион долларлик экспорт имконияти яратилган. Бу йўналишдаги ишларнинг манتيқий давоми сифатида жорий йилда ҳам 1 миллиард 300 миллион долларлик 607 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Навбатдаги қадам – шаҳар ва туманларимизда

хорижий инвестор ҳамда маҳаллий тадбиркорлар томонидан яна умумий қиймати 14 миллиард долларлик 80 та лойиҳа ишга туширилса, 22 минг 200 тадан ортиқ иш жойлари вужудга келади.

Бухорода кичик бизнес, туризм ва сервис ривожини учун яна 100 миллион доллар ажратилиб, бунинг эвазига йилнинг иккинчи ярмида 78 минг аҳоли бандлиги таъминланади. Ҳудудда ишсизлик ва камбағаллик кўрсаткичларини тушириш учун бундай аниқ мақсад ҳамда манзилли лойиҳаларнинг аҳамияти бекиёс.

Шу билан бирга Хитой, Россия, Туркия, Германия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Малайзия, Жанубий Корея каби илғор мамлакатлар компаниялари инвестициялари асосида қурилиш материаллари, электр техникаси, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика, тиббиёт, кончилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларнинг вилоятимизда юксалиш босқичига чиқиши яна бир диққатга молик жиҳатдир.

Давлатимиз раҳбари Қорақўл туманида маҳалла еттилиги вакиллари, нуруний отахон ва онахонлар, ёшлар вакиллари билан учрашди, улар билан дилдан сўхбатлашди. Вилоятда халқаро стандартларга мос, аҳолининг барча эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган инфратузилмани яратиш, ҳар бир маҳаллада одамларнинг самарали меҳнат қилиши, дам олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, қишлоқларда ҳам катта шаҳардаги маҳаллалардан қолишмай-диган, кўзини қувонтирадиган маҳалла марказларини ташкил этиш ниятлари борлигини айтди.

Президентимиз Бухорога ташрифининг иккинчи кунинда Ёғишдунон туманидаги ипакчилик корхонаси фаолияти билан танишиб, унда фаолият юритаётган аёллар билан суҳбатлашаркан, мутасаддиларга опа-сингилларимизнинг яшаш ва меҳнат фаолиятларини янада яхшилаш бўйича топшириқлар берди.

Вилоятда келгусида қилинадиган ишлар, жумладан, Бухоро туманида қиймати 226 млн. долларлик янги ва замонавий аэропорт қурилиши бошлангани, аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш ва узлуксиз электр энергияни барқарорлаштириш мақсадида Бухоро шаҳри ва Қоровулбозор туманларида 50 миллион долларлик 3 та йирик қувватга эга электр техникаси тармоғи ишга туширилиши, Когон туманида нақд минг гектар майдонда йирик саноат мажмуаси барпо этилиши белгилаб олинди. Бинобарин, одамларни ишга қиладиган катта имконият саноат зоналарида эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Англаганимиздек, вилоятимиз янги ва жиддий ўзгаришлар остонасида. Бу ўзгаришлар, сўзсиз, одамларимиз ҳаётига энгилликлар олиб кириб, эзгу орзу-мақсадларга қанот бағишлайди. Иқтисодий соҳанинг барқарор тараққий ёйлига тушиши, табиийки, ижтимоий, маънавий жабҳадаги долзарб муаммоларга-да тугал ечим беради. Қадимдан илм-маърифат, маънавият бешиги бўлган Бухорои шарифнинг шарафи янада

юксалади.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг амалий ижросини таъминлашда биз, депутатлар ҳам ўз ваколатларимиз доирасида фаол иштирок этишни мақсад қилганмиз.



Робия КАЗИМОВА,
ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши раиси:
– Давлатимиз раҳбарининг Бухорога ташрифи ўзгача бир кайфият бағишлади ҳаммага. Кўнглимиздаги мақсадлар янада улканлашди гўё.

Президент ташаббуси билан илк маротаба жорий йилдан бошлаб Бухоро вилоятида 548 та умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчиларига дарсдан сўнг корхона ва ташкилотларда касб-хунарни ўргатиш ҳамда ойллик иш ҳақи эвазига ишлаш амалиёти жорий этиладиган бўлди. "Бухоро тажрибаси" шиори остида бу мамлакатимиз миқёсида кенг қулоч ёзиши биз учун шараф, албатта.

Яширишнинг ҳолати йўқ, бугунги кунда мактабларни битириб, мустақил ҳаётга қадам қўйган ўғил-қизларимизнинг аксарияти келгуси мақсадини кўп ҳолларда олий ўқув юртига кириш, талаба бўлиш билан боғлайди. Бунинг учун мактабдан ташқари репетиторларга, тил курсларига қатнаши, билим ва кўникмаларини ошириш пайида бўлади. Бу яхши. Бирок қўлида ҳеч бир хунари бўлмагач, умумтаълимдан сўнг ишсиз қолаётган, мигрантга айланаётган ёшларимиз ҳам оз эмас. Шунга кўра, мамлакатимиз бўйлаб умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг камиди иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш тизими жорий қилинган ёшлар ўртасида ишсизликни бартараф этишда муҳим омил бўляпти. Эндиликда Бухородан бошланган, ўқувчиларнинг дарсдан сўнг ва ойллик иш ҳақи эвазига ҳудудда мавжуд корхона-ташкилотларда касб-хунарни ўрганишини йўлга қўйиш тажрибаси кўзланган мақсадга етилишини янада жадаллаштиради.

Биламизки, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли

соҳа – туризм даромадлиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, у кам харажат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради.

Президентимиз улкан туризм салоҳиятига эга Бухорода ушбу соҳани янада ривожлантириш орқали халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, туристларни жалб қилиш учун жиноятчиликнинг олдини олиш, маданий-маънавий муҳитни шакллантириш масаласи бир-бири билан узвий боғлиқ эканини таъкидлаб, барчани ватанпарвар бўлишга даъват этди.

Бухоро аэропорти туристлар оқимини 2 баробар ошириш режаси учун кичиклик қилаётгани, Бухоро туманида ҳозиргидан 3 баробар кўп қувватга эга 226 миллион долларлик янги замонавий халқаро аэропорт қурилишига старт берилгани, бу ерда ҳафтасига 100 та рейс йўлга қўйилиши ҳам айтиб ўтилди.

Шундай қилиб, Бухорода йилига 5 миллион хорижий турист келиши учун зарур имкониятлар яратилади. Шаҳар марказида Боқий Бухоро маданий этнографик парки ва янги аэропорт қурилиши бошлангани, вилоятдаги 30 та тарихий ёдгорликни таъмирлаш ва келгуси авлод учун сақлаб қолиш, сўлим сайилгоҳ ҳамда дам олиш масканларини кўпайтириш савий-ҳаракатлари ҳам ҳудуднинг туризм жозибадорлигини, рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Улуғ аждодларимиз бой меросини чуқур ўрганиш, обидалар атрофида туризм контентини кўпайтириш бўйича ҳукуватимиз томонидан дастур ишлаб чиқилса ва амалиётга йўналтирилса, "Очик осмон остидаги музей" аталмиш кўҳна ва навқирон Бухоронизга катта қизиқиш ташриф буёраётган хорижий сайёҳлар учун замонавий қулайликлар қамрови кескин ортади.

Президентимиз улуғ алломамиз Баҳоуддин Накшбандий таълимотига таяниб, "Кўнгли маънавиятда, қўл ишда бўлиши керак", деган фикр билан барча ўз қарашларини ўзгартириши, ҳар бир ишга янги гоғлар билан киришиши, ҳозирги таҳликали даврда маърифат билан ечим излаиб, яхши натижаларга эришиш кераклигини таъкидлади. Ўйлаб кўрсак, бу сўзлар замирида чуқур маъно бор.

Дарҳақиқат, давлат ва жамият тараққийи ҳар биримиздан ўзгаришларга бефарқ қарамай, фаол, соғлом фикр эгалари бўлишимизни тақозо этмоқда. Мана шулар инсонни ҳақиқий ҳаётга боғлайди. Маънавий уйғоқлик ҳам шу аслида. Демак, муқаддас заминимизда туғилган ҳар бир киши, ҳар бир раҳбар ва халқ вакили ўз она юртини севиши, инсон қадри, элу юрт манфаати йўлида илгари суриладиган ташаббус ва гоғларни қўллаб-қувватлаган ҳолда жамоатчилик вакиллари ва соҳа раҳбарлари билан яқдилликда, белгиланган вазифаларни виждонан амалга оширишда камарбаста бўлиши бугуннинг талабидир.

Фарида МАҲҚАМОВА ёзиб олди.

Уй-жой субсидияси:
Фракциямиз аъзоси савол қўйди,

ВАЗИР МУДДАТ СЎРАДИ

ҲАР БИР ЎЗБЕКНИНГ, ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИКНИНГ ҲАЁТГА, БАХТГА НИСБАТАН ЎЗИГА ХОС ҚАРАШИ БОР. АКСАРИЯТ ОДАМЛАРДА УЛАР БИР-БИРИГА ЎХШАШ БЎЛАДИ. ШАҲСИЙ, ОИЛАВИЙ БАХТНИНГ МАРКАЗИДА КЎПИНЧА УЙ-ЖОЙ, ВАТАН ТУРАДИ. ХОТИРЖАМЛИКНИНГ АСОСИ ЎЗ УЙИ, БОШПАНАСИ БЎЛИШДА, ДЕГАН ДУНЁҚАРАШ АСРЛАР ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН. "ЎЗ УЙИНИГ - ЎЛАН ТЎШАГИНИГ" НАҚЛИ ҲАМ МАВЗУГА ЯНА БИР ХАРАКТЕРЛИ МИСОЛ.

Бош қомусимизнинг 47-моддаси шундай баён қилинади:
Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга...

Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиришга қаратилган ислохотлар зарурати қонунларимизда ҳам мужассас. Асосий эътибор субсидия ва ипотека кредитлари ажратиш билан бирга, уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилишига қаратилган. Демографик ўсишнинг шиддати ҳам мазкур ёндашувнинг ҳаётлигини оширгани бор гап.

Юртимизда аҳолининг уй-жой билан таъминланганлик даражасини оширишга қаратилган ислохотлар зарурати қонунларимизда ҳам мужассас. Асосий эътибор субсидия ва ипотека кредитлари ажратиш билан бирга, уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилишига қаратилган. Демографик ўсишнинг шиддати ҳам мазкур ёндашувнинг ҳаётлигини оширгани бор гап.

3 июнь кунини Давлат бюджетни ижроси муҳокама этилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йўналишида ЎЗХДП фракцияси аъзоси Дилбар Мамаджанова 2023 йилда ипотека субсидияси учун ариза топширганларнинг бор-йўғи 5 фоизи имкониятдан фойдалангани, ажратилган маблағ тўлиқ ўзлаштирилмаганини айтиб, ҳукумат вакилларида ислохот ва келгусида қандай чора-тадбирлар қўрилиши ҳақида сўради.

Депутатимизнинг саволига жавоб берган вазир ўринбосари Аҳадбек Ҳайдаров Иқтисодиёт ва молия вазирлиги субсидияларни чекламаслигини айтиб, келгуси йилларда маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши учун бу йил 7 минг оилага ўз уйларида қурилиш қилиши учун маблағ ажратиш кўзда тутилаётгани ва шу йилдан бошлаб тўлиқ республика бюджетидан маблағ ажратиш

йўлга қўйилганини маълум қилди. Сабаби, ўтган йилда умумий сумманинг бир қисми республика бюджетидан, яна бир қисми маҳаллий бюджетдан қоплаш кўзда тутилган эди. Натижада маҳаллий бюджетда муаммолар бўлганлиги сабабли пул ажратишда муаммолар бўлган.

Вазирлик вакилининг жавобидан кейин палата спикери масала жуда муҳимлигини билдириб, қўшимча изоҳ сўради:

– Тўғри, вазирлик молиялаштириб беради, – деди Нуриддин Исмоилов. – Лекин умумий ариза топширувчиларнинг бор-йўғи 5 фоизи субсидия олгани, 500 млрд. сўм ўзлаштирилмай қолгани учун сабаблар бўлиши керак. Балки, комиссиялар жуда яхши ишлар, балки, қандайдир бюрократик тўсиқлар бордир. Бизга шуни кимдир тушунтириб берсин.

Спикернинг саволидан кейин Бош вазир ўринбосари, Иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров ўзи тушунтириш беришни жоиз деб билди. Қўтарилган масала долзарблигини айтиб, тизимда бюрократик тўсиқлар борлиги, янги тайинланган вазир ўринбосари шу масалани



ўрганаётгани, маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши учун таклифлар тайёрлаётганини билдирди. Бу бўйича батафсил ахборот бериш учун бир ой вақт сўради.

Энди мазкур муҳокамага сабаб бўлган рақамларга тўхталсак, ипотека кредитлари бўйича 2023 йилда Давлат бюджетидан 30 минг нафар фуқарога 1,6 трлн сўм субсидия тўлаб берилиши белгиланган эди.

Ўтган йил 1 майдан 1 декабрга қадар 329 998 нафар фуқародан ариза келиб тушиб, шундан 30 минг нафарига ижобий хулоса берилган.

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, 15 204 нафар фуқарога 1

100,7 млрд сўмлик маблағ тўлаб берилган.

Режага мувофиқ, ижобий хулоса олган аризаларнинг 15 мингтасига республика бюджетидан, яна 15 мингтасига маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан субсидия берилиши назарда тутилган.

Кўриниб турибдики, режа бажарилмаган, бор маблағ ўзлаштирилмаган. Ваҳоланки, субсидияга эҳтиёж сезаётган фуқаролар оз эмас.

Маълумотларга кўра, субсидия учун тўланган умумий сумманинг 35 фоизи 3 та ҳудуд ҳиссасига тўғри келади. Булар – Самарқанд вилояти, Тошкент шаҳри ва Наманган вилояти.

Мазкур ҳудудлар доимий яшовчи аҳоли сонига кўра мамлакатимизда энг йирик ҳудудлардан ҳисобланади.

Энг кам субсидия маблағлари Сирдарё вилояти (22,7 млрд), Қорақалпоғистон Республикаси (26,8 млрд) ва Тошкент вилояти (39,7 млрд) ҳиссасига тўғри келади. Бу жами сумманинг 8 фоизи, дегани.

Эътиборимизни тортгани Тошкент вилояти доимий аҳоли сони бўйича республикаимизда энг юқори кўрсаткичга эга ҳудуд бўлишига қарамастан субсидия олиш кўрсаткичлари юқори эмас.

Ариза топширувчиларнинг бор-йўғи 5 фоизи субсидия олгани ва ажратилган маблағнинг 500 млрд ўзлаштирилмай қолганига аниқ сабаблар борлиги ва масъуллар буни аниқлаб асосли таклифлар тайёрлашига ишонимиз.

Масалан, белгиланган максимал сумма реал уй-жойнинг нархидан паст эканлиги, иккиламчи уйларга нисбатан субсидия татбиқ этилмадлиги, субсидия муддатининг камлиги, субсидияли уйларнинг ипотекали уйларга нисбатан қимматга айланиши ҳам муаммо туғдираётган бўлиши мумкин.

Аслини олганда, 15 мингдан ортиқ фуқаронинг давлат кўмаги билан уй-жойли бўлиши катта масала. Лекин бир йилда ўртача 280 мингдан ортиқ янги никоҳлар қайд этилаётган мамлакат учун бу камдек, гўё.

Етарли даромадга эга бўлмаган, фарзандларини ёлғиз катта қилаётган аёллар, энди катта ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш масаласи турибди. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ойда янги ташаббус ва ечимлар таклиф қилишини кутамиз.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

» **ЕТАРЛИ ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛМАГАН, ФАРЗАНДЛАРИНИ ЁЛҒИЗ КАТТА ҚИЛАЁТГАН АЁЛЛАР, ЭНДИ КАТТА ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЯЁТГАН ЁШ ОИЛАЛАРНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ ТУРИБДИ. ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ БИР ОЙДА ЯНГИ ТАШАББУС ВА ЕЧИМЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИШНИ КУТАМИЗ.**

FARMON VA SHARH

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласи шу кунларда юртимизда кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир. ЖСТ билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия раиси Жамшид Ходжаевнинг маълум қилишича, Ўзбекистон ЖСТнинг 2026 йилда Камерунда бўлиб ўтадиган 14-вазирлар конференциясигача ташкилотга аъзо бўлишни режа қилипти (манба WTO сайти).

Ҳўш, бу қандай ташкилот ўзи?

Жаҳон савдо ташкилоти 1995 йил 1 январдан ўз фаолиятини бошлаган. Ташкилот давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи ягона универсал халқаро тузилма ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси глобал иқтисодиёт шаффофлигини тартибга солиш, давлатлараро савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйиш, улар ўртасида тенглик ўрнатиш, аъзо мамлакатлар барқарор тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилаш ҳисобланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ЖСТ глобал платформа саналиб, унда ҳар бир аъзо давлатнинг манфаатлари ҳисобга олинади. Шунинг учун кучли, ўз иқтисодиётига ишонган давлатлар тезроқ бу ташкилотга киришга ҳаракат қилади. Ташкилот доирасида қабул қилинган битимлар жаҳон бозорида муваффақиятли фаолият юритишда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқувчиларга, экспортёр ва импортёрларга кўмак беришга қаратилган.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда дунёдаги ушбу энг йирик иқтисодий ташкилотга 166 давлат аъзо бўлиб, улар ҳиссасига жаҳон савдоси ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 97 фоизи тўғри келади. Шу маънода Ўзбекистоннинг ЖСТга кири-

Бизнес учун очиқлик

ши иқтисодий сиёсатнинг башоратлигини ва хорижий инвесторларда мамлакатимизга бўлган ишонччи оширади. Ташкилот бозорларга эркин чиқиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлашда ҳам бунинг аҳамияти катта.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 3 июнда қабул қилинган "Бозор ислохотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишдаги сазъ-ҳаракатлар учун ҳуқуқий майдон бўлди, десак янглишмаймиз.

Мутахассислар бу ҳужжатни ЖСТга кириш бўйича бир неча ўн йиллик ҳаракатларни мақсадлардан амалий реалликка кўчирадиган фавқулодда муҳим қадам сифатида баҳоламоқдалар. Дарҳақиқат, унда иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўладиган монополизмга барҳам бериш чора-тадбирлари ўз ифодасини топган. "Ўзметкомбинат", "Ўзқилямчиранглитметалл" АЖ, "Ўзтрейд" АЖ, "Ўзкимёимпекс" МЧЖ каби йирик корхоналарга қонунчилик асосида тақдим этилган эксклюзив ҳуқуқларнинг 2025 йил 1 январдан бекор қилинаётгани бунинг исботи.

Эксклюзив, махсус ҳуқуқлар ва ваколатлар бекор қилиниб, ўрнига иқтисодий ривожланган давлатлардаги каби регуляция ва лицензиялаш қоидалари ишга тушиши пировард натижада миллий маҳсулотларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва уларни жаҳон бозорларида сотиш, мамлакатимизда

инвестицион муҳитни яхшилаш ва инвестиция оқимини оширишга замин яратади.

Шундай қилиб, Фармонга кўра, 2025 йил 1 январдан экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдим этилаётган субсидия ва преференциялар, шу жумладан, товарларни экспортга реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, транспорт харажатларини қисман қоплаб беришга оид имтиёзлар бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган божхона божи, йиғимлари ва қийматини Жаҳон савдо ташкилотининг Тарифлар ва савдо бўйича бош битими талабларига мослаштириш мақсадида:

– **2025 йил 1 январдан бошлаб жорий этиладиган божхона йиғимларининг фискал мақсадларда ундирилмаслиги белгиланади;**
– **БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ 2024 йил 1 АВГУСТГА ҚАДАР БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ ОРҚАЛИ ОЛИБ ЎТИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТ ЛОЙИҲАСИНИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА КИРИТАДИ.**

Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш бўйича идоралараро комиссияси эса жорий йил августигача савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими (МФН) назарда тутилган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқланмаган товарларга нисбатан божхона божларини қўллаш бўйича амалдаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиб, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифларни, импорт божхона божлари ставкаларининг қўлланиши самарадорлигини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида амалдаги божхона тарифларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 2022 йилги тахририга мувофиқлаштириш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Мана шу каби аниқ мақсад ва вазибаларни қамраб олган Фармоннинг ҳаётга татбиқ қилиниши мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида яна бир янги саҳифа очишига шубҳа йўқ. Зеро, Ўзбекистоннинг халқаро савдо ташкилоти аъзоси бўлиши давлатимиз бизнес учун очиклигини англайди. Инвестиция оқимини кўпайтиришда, ҳудудларимизда йирик ва салоҳиятли sanoat зоналари сафини кенгайтириш, миллий иқтисодиётимизнинг мавжуд салоҳиятини рўёбга чиқариш ва унинг глобал ишлаб чиқариш ва қўшилган қиймат занжирига интеграциясини чуқурлаштиришда бу айна муддаодир.

Интернет манбалари асосида Л.ШЕРОВА тайёрлади.



СИЁСАТЧИ АЁЛЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

“Ўзбекистон-2030” стратегияси ҳамда гендер тенгликка эришиш стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, партия Сайловолди дастурида белгиланган гоёларни амалиётга татбиқ этишда партия сафидаги хотин-қизлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, қолаверса, хотин-қизларнинг сиёсий билим ва кўникмаларини ошириш, партия сафига ва тизимига ёш хотин-қизларни жалб қилиш, уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон ХДП томонидан республикамизнинг барча ҳудудларида “Сиёсатчи аёл” кўрик-танлови ўтказилмоқда.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ҒОЛИБЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши томонидан “Сиёсатчи аёл” кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Танловда “Сиёсатчи аёл” кўрик танловининг шаҳар ва туман босқичи ғолиблари ўзаро беллашди.

Кўрик-танловни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги партия фракцияси раҳбари Халилла Ешимбетов кириш сўзи билан очиб, барча иштирокчиларга самимий тилаклар билдириб, омад тилади.

Танлов қоидаларига мувофиқ, қатнашчилар 3 шарт бўйича ўз билимларини яна бир синовдан ўтказишди. “Хотин-қизлар муаммосини ҳал этиш-

нинг энг самарали йўли” деб номланган биринчи шартда нотиклик санъати орқали ҳар бир иштирокчи ўзларининг ҳудудларидаги хотин-қизларга оид муаммолар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, бунда семинар-тренинглари ўтказиш, аҳолининг кенг қатламлари ва оилалардан хабар олиш, ижтимоий шериклик ва тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича эришилган амалий натижаларини олиб чиқди.

“Сиёсий ҳозир жавоблик” шарида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, аҳолини иш билан таъминлаш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ қабул қилинган қонунлар, Сайлов кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси бўйича тузилган саволларга жавоблар орқали билимлар баҳоланди.

Эркин мавзуда хотин-қизлар ўзлари севган машғулотлардан намуналар кўрсатишди.

Қизғин ва кўтаринки кайфиятда ўтган кўрик-танлов якунларига биноан биринчи ўринни Қораўзақ тумани 33-сонли мактаби ўқитувчиси Гулбану Кошанова, иккинчи ўринни Нукус шаҳри 1-сонли Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми ўқитувчиси Жайхун Палимбетова, учинчи ўринни Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Амударё туман ихтисослаштирилган мактаби ўқитувчиси Чаросхон Норимбетова эгаллади.

ЖИЗЗАХ

Жиззах вилоятидаги танловнинг якуний босқичида туман ва шаҳарлар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 13 нафар фаол хотин-қизлар иштирок этди.

Иштирокчилар ҳар бир шартлар бўйича ўзларининг билим ва маҳоратларини намоён этдилар.

Танловда 1-ўринни Жиззах шаҳар Нурлибод МФЙ хотин-қизлар фаоли Анорбоева Гўзал, 2-ўринни Дўстлик туманидаги 13-мактаб директори ўринбосари Жўраева Хуршида ва 3-ўринни Пахтакор туман ахборот кутубхона маркази ходимаси Куйлонова Нафиса эгаллади.

ФАРҒОНА

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ташаббуси билан “Сиёсатчи аёл” кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Туман ва шаҳарлардан саралаб олинган фаол ва изланувчан хотин-қизлар юқоридеги 3 та шарт бўйича ўзларининг билим ва тажрибаларини синовдан ўтказишди.

Беллашувлар якунида Фарғона туман 2-сон касб-хунаар мактаб ўқитувчиси Шамсиева Дилшоодахон 1-ўринни, Марғилон шаҳри 30-ДМТТ тарбиячиси Жабборова Ўғилой 2-ўринни, Бешариқ тумани 13-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Нишоновна Дилафрўз 3-ўринни эгаллади.

Шу каби дастурлари орқали Халқ демократик партияси гендер тенглик ва аёлларнинг жамиятимиздаги ўрнини, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишни мақсад қилган.

ЎЗХДП Ахборот хизмати.



Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ, қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-қаноатли бўлишликни, аҳилликни талаб этади. Йўқса арзимаган гап-сўзлар, келишмоқчиликлар муносабатларни емириши, ҳаётни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин.

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК ИНСОННИНГ ҲАЁТИ ВА ЭРКИНЛИГИГА ДАХЛ ҚИЛАДИ

Бироқ кейинги йилларда эр-хотин ўртасида содир бўлаётган жанжаллар барчамизда хавотир ва ташвиш уйғотади. Оммавий ахборот воситаларида дилни хира қиладиган ана шундай ҳодисалар юз бераётгани ҳақидаги хабарларни тез-тез ўқимокдамыз. Аёлларни таққирлаш билан боғлиқ зўравонликлар кишини чуқур ўйга толдиради. Бундай шафқатсизликлар содир бўлишига асосий сабаблардан бири, менталитетимизга хос бўлган уйдаги жанжални кўчага чиқармаслик одатидир. Ана шу нарса ҳам аёлларга бўлган зўравонликни ҳам кучайтирди. Афсуски, андишага борилгани оқибатида ҳақорат ва зулм авж олди. Натижада баъзи аёлларимиз қийин вазиятга тушиб, ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолди. Жабрдийдалар муаммоларини яқин қариндошларига айтганларида “Ҳа, энди оилада бўлади-да” дейишлари ҳам аёлларнинг мунтазам ҳўрланишига олиб келмоқда. Оилавий зўравонликка бир оиланинг муаммоси ёки ташвиши деб қараш мутлақо нотўғри.

Яқинда «Фидойилар» маҳалла фуқаролар йиғини биносидида очик суд мажлиси бўлиб ўтди. Унда судланувчи С.С.нинг иши кўриб чиқилди. С.С. шу йил 21 январь куни «Авиасозлар» мавзесида жойлашган хонадонда турмуш ўртоғи билан ўрталарида келиб чиққан келишмовчилик оқибатида аёлнинг турли жойларига қўл ва оёқлари билан уриб, дўппослаб тан жароҳати етказган.

Суд-тиббийет экспертизасининг ҳулосасига кўра, ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати тоифасига кириши аниқланган.


— Уша куни чарчаганлигим сабабли турмуш ўртоғимнинг телефонларига жавоб бера олмадим. Бундан аламзада бўлган эрим уйга келиб сочимдан тортиб судради, уриб дўппослади. Танамда оғриқ кучли бўлганлиги сабабли эртаси куни «Тез ёрдам» чақирдим. Улар мени шифохонага олиб кетишди. Умуртқа поғонадаги жароҳат туфайли юра олмай қолдим. Менга ҳозир эрим қараяпти. Ош-овқат, дори-дармон билан ҳам у киши шуғулланяпти. Менга эримдан бошқа ёрдам берадиган қариндошларим йўқ. Эримни кечирдим. Биз ярашиб олдик. Шунинг учун у кишига жазо тайинламаслигини сўрайман.

Суд қонун ва Олий суд пленуми қарорлари тушунтиришларида риюя қилиб, С.С.нинг ёшини, оилавий шароитини, касаламанд турмуш ўртоғининг ёлғиз боқувчиси эканини, айбига иқроор ва қилмишига пўшаймонлигини, жабрланувчи турмуш ўртоғи билан ўзаро ярашиб олганлигини, жабрланувчининг даввосси йўқлигини инобатга олиб, жазо тайинлади. Шундай қилиб, зўравон эр С.С.га ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда уч йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Қайд этиш керакки, жабрдийдаларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бизда одатда эридан жабр кўрган аёл тегишли жойга арз қилмайди. Бу ҳолат аксарият зўравонларнинг жазосиз қолишига олиб келмоқда. Жабрланувчилар айбдор билан бир уйда яшашини ҳисобга олмасаланинг нақадар оғирлигини англаш қийин эмас. Таҳлиллар ҳуқуқ-бузарликларни асосан эркаклар содир этаётганини кўрсатмоқда. Ушбу иллатга қарши курашишда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари маҳаллаларда ва иш жойларида оилавий зўравонликнинг олдини олиш бўйича профилактик сўхбатлар олиб боришлари мақсадга мувофиқ. Иш шундай ташкил қилинса кўпгина ҳуқуқбузарликларнинг олди олинар эди.

Айтиш керакки, оиланинг тинчлиги, аҳиллиги, бахти биринчи галда ота-онага боғлиқ. Шундай экан, эркак ўз оиласида тартиб-интизом, ахлоқ, ўзаро илиқ муомалада ўрнатилса жамият ривож топади. Ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-қаноатли бўлиш керак. Ҳаёт синовлари ҳеч қачон оиладаги вазиятни чигаллаштирмаслиги, аксинча бир-бирини қўллаб-қувватлаш саодатга етаклашини унутмайлик. Оиламиз, муқаддас кўрғонимизда ҳаммиша шоду хуррамлик бўлсин.

**Матчонбой МАТЧАНОВ,
Жинойят ишлари бўйича
Яшнобод туман судининг судьяси.**



МЕКСИКАДА АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ

МЕКСИКАДАГИ ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИДА МАМЛАКАТДАГИ ҲУҚМРОН ПАРТИЯ ВАКИЛИ КЛАУДИЯ ШЕЙНБАУМ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ. САЙЛОВГАЧА У МЕХИКО ШАХРИНИНГ МЭРИ ЭДИ. ҲИСОБ-КИТОБЛАРИГА КўРА, У 59 ҒОИЗДАН КўПРОҚ ОВОЗ ТўПЛАБ, МАМЛАКАТ ТАРИХИДАГИ БИРИНЧИ АЁЛ ПРЕЗИДЕНТГА АЙЛАНМОҚДА.

2 июнь куни бўлиб ўтган оммавий сайловлар Мексикада тарихидаги энг йириги бўлди. Жараёнларда 98 миллиондан ортиқ сайловчи иштирок этди. Якуний натижаларга кўра, президентлик лавозимидан ташқари 20 мингдан ортиқ сайланмаган лавозимларга номзодлар аниқланган.

Клаудия Шейнбаум физика фани номзоди даражасига эга. 2007 йилда у БМТнинг иқлим ўзгарishi бўйича ҳукуматлараро кенгашидаги иши учун Тинчлик бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган. Сиёсий майдонга 2000 йилда кириб келган. 2018 йилда у Мехико шаҳри мэри этиб сайланди ва бундай лавозимни эгаллаган биринчи аёл бўлади. Президентликка номзодини қўйиш учун 2023 йил июнь ойда истеъфога чиқди.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, Шейнбаумнинг коалицияси унинг ғалабасида асосий омил вазифасини бажарган. Сабаби, амалдаги Президент Андрес Мануэль Лопес Обрадорнинг ҳуқмрон Морена партияси ҳам айнан шу коалиция таркибиде эди. Обрадор Мексика халқи орасида каттагина шуҳрат қозонган Президент саналади. Унинг камбағалликка қарши кураш учун кенг ислохотларни амалга оширгани кенг жамоатчиликнинг хайрихоҳлигига сабаб бўлган. Лекин Мексика қонунчилигига кўра, бир шахс 6 йилдан ортиқ Президент бўла олмайди. Шу сабабдан Обрадор сайловда қатнаша олмайди.

Шу тариқа амалдаги Президентнинг қўллаб-қувватлаши ҳам Шейнбаумга қўл келди.





БЕКАТЛАР ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН

аммо улар уддабурон тадбиркорлар томонидан эгаллаб олинмоқда



Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси

Тошкент 2200 йилдан ортиқроқ тарихга эга бўлган кўхна кент. Миллодан аввалги иккинчи асрда қадимий Хитой кўлэмаларида шаҳар ҳақидаги илк маълумотлар пайдо бўлгани айтилади.

Бугун Ўзбекистон пойтахти бўлган Тошкент бир қатор туманларга бўлиниб, 50 дан ортиқ маҳалла ҳамда 400 дан ортиқ кўчани ўз ичига олади ва уларнинг 8 таси асосий кўчалар ҳисобланади.

Кўлаб тарихий обидалар ва замонавий биноларга эга "нон шаҳри" кундан-кун ўсмоқда, ривожланмоқда. Шаҳар архитектурасида ранг-баранглик акс этган. Қулайлик яратиш мақсадида пойтахт инфратузилмаси ва транспорт тизими ислоҳ қилиб бориляпти. Тошкент кечаги эмас, у ўзгача.

Табиийки, йирик мегополис шаҳарлардаги каби пойтахт аҳолиси, дунёнинг тўрт томонидан келадиган меҳмонлари ўсиб бораётиши. Замонавий хизматлар, раво ва кенг кўчалар, иш ўринлари дам олиш жойлари билан бир қаторда жамоат транспортига бўлган эҳтиёж ҳам ортмоқда.

Сир эмаски, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларнинг катта қисми жамоат транспортларидан фойдаланади. Шунга қараб пойтахт транспортини қулайлаштириш чоралари кўриляпти.



Шайхонтоҳур тумани, Осие кўчаси

Мисол учун, ер усти метро йўналишлари қурилиб, автобуслар сони ошириляпти.

2022 йил 2 февралда "Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент қарори қабул қилинган, пойтахт жамоат транспортида бирмунча қулайликлар юзага келди. "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик жамияти корхоналари ҳаракат таркибини 2022-2025 йилларда 1063 та автобус, 673 та электробус харид қилиш йўли билан янгилаш дастурини амалга ошироқда. Автобуслар кўпайиб, оралик масофаси қисқарган яхши, албатта.

ЭНДИ БЕКАТЛАР

Яна бир муҳим масала бекатлар билан боғлиқ. Замонавий транспортларга мос бекатлар қуриш бўйича ҳам вазифалар белгиланган. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли қарори билан намунавий бекатлар



Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси

лойиҳаси тасдиқланган. Хусусан, 2023 йилнинг ноябрь ойида синов тарикасида "смарт" бекатлар қуриш бошлангани хабар қилинди. Яъни, Бобур ва Фурқат кўчаларида йўлларни жорий таъмирлаш, транспорт ҳаракатини оптималлаштириш, ИТТ жорий этилиши ҳақида хабар қилинган эди.

Бекатларга конструкциядан ташқари, банкоматлар, вендинг аппаратлари, бепул Wi-Fi, маршрутлар ва автобуснинг етиб келиш вақти бўйича электрон табло, шунингдек, кузатув камералари, чиқинди ташлаш қутилари ва мобил қурилмаларни қувватлантиригичлар ўрнатилиши керак. Бундан ташқари, бекатлар ногиронлиги бўлган шахслар учун пандуслар билан жиҳозланиши лозим.

2 МИНГДАН ОРТИҚ

Айни пайтда Тошкентда 2000 дан ортиқ автобус бекатлари мавжуд ва уларнинг кўпчилиги талабларга жавоб берайи қолди. Бекатларнинг ҳажми, узунлиги, жойлашуви эса жиддий ўйлаб кўриш керак бўлган яна бир катта масала саналади.

Бир неча тумандаги автомобиллар кўп ҳаракатланувчи кўчаларида бўлди. Бекатларнинг ҳолати, у ердаги шароитни яқиндан кўрдик.

Биринчи муаммо. Йўловчи гавжум бўладиган жойларда деярли барча бекатлар турли савдо, хизмат кўрсатиш шохобчаларига айлантириб олинган.

Иккинчи муаммо. Бекатларда йўловчилар учун жуда кам жой қолган. Ёзда жазирамада, қиш-қировли кунларда совуқда ташқарида туришига тўғри келмоқда.

Учинчи муаммо. Автомобиль йўллари тоифасига қараб, автобус бекатларининг жиҳозланиш тартиби мавжуд, аммо бунга ҳар доим ҳам амал қилинмайди. Масалан, чиқиш ва тушиш майдончалари, кутиш жойи, ўтиш чиқиқлари, автобуслар тўхташи учун йўлнинг махсус кенгайтирилган қисми, ажратувчи чизик, пиёдалар юриш йўлакчалари, пиёдалар ўтиш жойи, автопавильон, ўриндиқлар, чиқинди қутилари ва албатта ёритиш ускуналари бўлиши лозим.

Тўртинчи муаммо. Бекатларда жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг ҳаракатланиши ва хавфсизлиги учун шароит йўқ ҳисоби. Пойтахтимизнинг Юнусобод, Миробод, Яккасарой, Сергели, Шайхонтоҳур туманларидаги бир неча кўчаларда бўлганимизда аксарият бекатларда ногиронлар аравачаси ҳаракатланиши, транспорт йўлидан ҳимояда, ноқулай об-ҳаводан панада туриши учун автопавильонга ўта олмаслигини кўрдик. Борлари ҳам белгиланган қиялик меъёрига жавоб берайи. Уларда ҳаракатланиш имконис.

ҚАРОРДА ҚАНДАЙ ТАЛАБ?

Президент қарорида бекатлар ҳудудида аҳолининг имконияти чекланган гуруҳларининг тўққиз ҳаракатланиш муҳити, автомобил йўли қатнови қисми билан чегарасида "тактил" плиталар ўрнатиш йўли билан уларнинг хавфсизлигини таъминлаш назарда тутилган.

Шунингдек, замонавий дизайндаги ва қулай бўлган ўриндиқлар ўрнатиш, йўловчиларнинг интернет тармоғидан (Wi-Fi) фойдаланиш, бекатларда электрон табло ўрнатиш орқали автобуслар қатнов жадвали ва келиш вақтини кузатиб бориш, мобил қурилмаларни қувватлаш учун имконияти яратиш белгиланган. Аммо

аксарият бекатлар бу талабларга ҳам жавоб бермаслигини кўрдик.

Стандартларга мувофиқ, автопавильон автобус келишини кутаётган шахсларни ноқулай об-ҳаво ва бошқа омиллар таъсиридан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Шундан келиб чиқиб, улар ёпиқ ёки очик турдаги соябон шаклида бўлиши, тигиз пайтдаги йўловчиларнинг сонини инобатга олган ҳолда, яъни 4 киши учун бир метр квадрат шаклда қурилиши лозим. Кўрдикки, тигиз пайтларда одамлар пана ва хавфсиз жойда тура олмайдилар. Чунки автопавильоннинг ўлчами бу меъёрларга номуносив.

БЕРИЛГАНМИ ЁКИ ЭГАЛЛАБ ОЛИНГАН?

Автобус бекатларининг тадбиркорларга берилишининг ўзига хос талаблари бор. Мисол учун, бекатни ободонлаштириш, озодалиги ва қулайлигини назорат қилиш, муҳими, бекатда одамлар учун энг зарур бўлган хизматларни тақдим этишдан иборат бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 482-сон қарорига кўра, ҳокимликлар ва йўл органлари қурилиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ шаҳарларда ва аҳоли пунктларида сутканинг қоронғи вақтида автобус бекатлари ҳамда уларнинг атрофи ёритилишини ташкил этишнинг таъминлаши зарур. Мазкур қоида марказларда амалда. Аммо марказдан узоқроқ бўлган бекатларда қарор ижросини кўрмайсиз. Ваҳоланки, бу сутканинг қоронғу қисмида хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарт саналади. Аксарият бекатлар эса ҳамон ўтган аср стандартлари билан қолиб кетган.

Ўзгартирилганга ҳам ёгингарчилик пайтда одамлар сизмайди.

Юнусобод тумани, Боғишмоил кўчаси, Тест маркази бекати. Бекат тўлиқ тадбиркор томонидан эгалланган.

Чингиз Айтматов ва Шивли кўчалари кесишмасида жойлашган "Шивли кўчаси" бекати. Бу ерда бекат нафақат тадбиркор томонидан эгаллаб олинган, балки рухсатномасиз таг-туби билан бузиб юборилганига гувоҳ бўлинди.

Худди шу манзилдаги 2-бекат ҳам аҳоли, халқ эмас, тадбиркорлар иштиёрида. Ҳолбуки, Президент қарорида автобус бекатларида фақат реклама воситаси, банкоматлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга мўлжалланган ўзига ўзи хизмат кўрсатиш (вендинг) автоматларини жойлаштиришга рухсат этилиши белгиланган.

Шота Руставели, Бобур, Нукус, Амир Темур, Шаҳрисабз, Хуршида, Шароф Рашидов, Осие каби кўчаларда бўлганимизда ҳам бу каби ҳолатларга гувоҳ бўлдик.

Автобусларнинг бекатлардан анча узоқда мажбуран ёки ихтиёрий равишда тўхташлари, бекатлар кўпроқ савдо шохобчалари ва тамаддиҳоналарга айлантириб олингани, қаровсизлиги, ногиронлиги бўлган шахслар учун мослаштирилмагани, атрофлари ташқи омил таъсиридан ҳимоялаш хусусиятига эга эмаслиги, бир сўз билан айтганда, эгасизлигини кўрдик.

КОНЦЕПЦИЯ НИМА БЎЛАДИ?

Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланган бўлиб, хусусий секторни жалб қилган ҳолда намунавий лойиҳалар асосида жами 1160 та автобус оралик бекатларини реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Шунда 2022 йилда — 280 та, 2023 йилда — 260 та, 2024 йилда — 300 та, 2025 йилда — 320 та бекат намунавий кўринишда таъмирланиши лозим эди.

2022 йилда қабул қилинган қарорда Тошкент шаҳар ҳокимлигига Қурилиш вазирли-



Шайхонтоҳур тумани, Нурафшон айланма йўли

ги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Тошкент шаҳридаги автобус бекатларининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириги берилган эди. Лойиҳа бор, аммо у узил-кесил тасдиқдан ўтмагани ҳақидаги маълумотлар ажаблантириши.

АВТОБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИ ҚИЙНАЛЯПТИ

Ҳайдовчилар билан суҳбатлашганимизда бекатларнинг кичиклиги, бир вақтнинг ўзида иккита автобус келиб қолса, тўхташ учун жой йўқлигини таъкидлашди. Айрим бекатлар атрофи автомобиль тураргоҳига айлантириб олингани ҳам ҳаракат хавфсизлигига таъсир қилиши айтилди. Айниқса, 15 метрдан узунроқ бўлган замонавий автобусларнинг тўхташи учун бекатларда шароит деярли йўқлиги уларни ҳам ташвишга солмоқда.

Ҳайдовчиларнинг сўзларига кўра, баъзи бекатлардаги дўконлардан чиқариб қўйилган музлаткичлар ҳаёт учун ўта хатарли экан. Уларнинг электр симларининг созлигига ҳеч ким қафолат берайи. Агар бирор бир фавқулодда ҳолат рўй бериб, ёнгин юзага келса, пластик ромлардан қурилган дўкон-



Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси

лар тез алангаланиши, бу эса катта талофатларни келтириб чиқариши мумкин экан.

Омонулла МУТАЛОВ, Чилонзор туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

— Авваллари бир мамлакатга ёки шаҳарга унинг бозорлари орқали баҳо берилган бўлса, бугун бекатлар ва у ерда одамлар учун яратилган шароитга ҳам қараб баҳо бериляпти. Чунки ҳамма ҳам бозорга бормаслиги мумкин, аммо ҳамма бекатлардан фойдаланади, энг камида уларни кўриб, баҳо беради, хулоса чиқаради.

Аввалига бекатлар тадбиркорларга берилди, дўконлар пайдо бўлди, одамлар иссиқда муздек сув ёки шошган пайтда зарур нарсани сотиб олиб, йўлида давом этиши анча қулайлик яратди. Кейин эса тадбиркорлар атрофларини ўраб олди. Бу ҳам одамларнинг совуқдан ҳимояси учун, деган хулоса билан уларни дуо қилдик. Вақт ўтиб, нафақат атрофи ҳаттоки олдини ҳам ёпишди. Деразалари қорайтирилди, музлаткичлар жойлаштирилди. Худдики ўз уйдик атрофга эгалик қила бошлашди. Одамлар бундай бекатларга киришдан ийманадиган, бировнинг уйига сўроқсиз киргандек ўзини ноқулай ҳис қиладиган бўлди. Бу жиддий муаммога айланмоқда.

Менимча, бекатларга ортиқча ҳашаматнинг кераги йўқ. Улар учун асосий иккита талаб бор. Биринчиси, қулайлик, иккинчиси эса хавфсизлик. Умуман, "Бекат инсон учун", деган ёндашув керак бўляпти.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси

IQTISODIYOT

Кўчмас мулк бозоридаги вазият



ЁХУД АҲОЛИНИНГ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗ ЮКИ ЎСАЯПТИМИ?

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ 2023 ЙИЛ
УЧУН МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК
ШАРҲИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.
УНДА МОЛИЯВИЙ ЗАЙФИКЛАР
ХАРИТАСИ, ГЛОБАЛ ВА
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ
МОЛИЯВИЙ ШАРОИТЛАР,
МОЛИЯВИЙ ВА НОМОЛИЯВИЙ
СЕКТОРЛАРДАГИ ВАЗИЯТ,
АКТИВЛАР БОЗОРИДАГИ
ҲОЛАТ, БАНК ТИЗИМИ
БЎЙИЧА МАКРО СТРЕСС-
ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ, ИҚЛИМ
ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ХАВФЛАР, МАКРОПРУДЕНЦИАЛ
СИЁСАТ АССОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ИМКОНИАТЛАРИ, МОЛИЯВИЙ
БАРҚАРОРЛИК УЧУН ИЧКИ
ВА ТАШҚИ ХАТАРЛАР КАБИ
МАСАЛАЛАР ҚАМРАБ ОЛИНГАН.**

Қайд этилишича, Ўзбекистонда 2023 йилда нисбатан қатъий молиявий шароитлар сақланиб қолинган. Ташқи сектордаги хатарлар бўйича кутулмаларнинг ёмонлашиши, шунингдек, халқаро молия бозоридаги юқори ўзгарувчанлик таъсирида молиявий шароитларнинг қатъийлашиши кузатиш мумкин. Шунга қарамадан, сўнгги йилларда банк тизимида шаклланган нисбатан юқори стресс даражаси 2023 йил якунида сезиларли пасайган.

Хусусан, ўтган йили муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши деярли ўзгаришсиз - 3,5 фоиз атрофида сақланиб турди. Бунда Ўзбекистон бўйича муаммоли кредитлар улуши Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари бўйича 25 перцентил чегарасидан бироз юқори даражада қайд этган.

Аҳолининг ялли кредитлар бўйича қарз юкида ўсиш кузатилмоқда. Айниқса, ипотека кредитлари бўйича қарз мажбуриятларини бажариш имконияти билан боғлиқ хавотирлар сақланиб қолмоқда. Шунингдек, сўровнома натижаларига кўра, банкдан қарздор респондентларнинг умумий қарз юки даражаси 87 фоиз доирасида шаклланган.

Кўчмас мулк бозорида уй-жой нархларининг юқори баҳолашни тенденцияси давом этмоқда. Юқори талаб шароитида тақлим ҳажмининг сезиларли ортада қолиши уй-жой нархларининг фундаментал омилларга, аҳоли даромадига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўсиш тенденциясини юзага келтирмоқда. Шу билан бирга, уй-жой-

ларни ижарага бериш орқали кўриш мумкин бўлган рентабеллик даражасининг пасайишига қарамай, спекуляция омили таъсирида кўчмас мулк бозорида юқори фаоллик ва талаб ҳажми ортган. Натижада 2023 йил давомида кўчмас мулк бозорида уй-жойларнинг ўртача бозор нархи фундаментал нархидан 24 фоизгача юқори баҳоланган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кўчмас мулкни харид қилиш хусусияти бирламчи эҳтиёжни қондиришдан инвестицияга ўзгарди. Уй-жой нархларининг миллий ва хорижий валютадаги индексларида кузатилган юқори ўсиш суръатлари уй-жойларга бўлган талабни янада оширмоқда. 2023 йилда миллий ва хорижий валютадаги уй-жой нархлари индекслари мос равишда 43 ҳамда 23 бирликка ошди.

Бундан ташқари, мамлакатда капитал бозорининг етарли даражада шаклланиши, молия инструментларининг омалашмагани, шунингдек, кўчмас мулк бозорида уй-жой нархларининг ўсиш суръати банк депозитлари даромадлигига (1 йилдан юқори бўлган жами муддатли депозитлар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари миллий валютада 20 фоиз, хорижий валютада 5 фоиз) нисбатан ҳам юқори бўлиши аҳолида кўчмас мулк бозорига сармоя киритишга юқори рентабелли актив сифатида қараш кўникмасини пайдо қилган.

Айтиб ўтилганидек, уй-жой нархларининг ўсишида тақлим омилларининг таъсири пастигила қолмоқда. 2023 йил якунига кўра қуриш-монтаж ишлари нархларининг йиллик ўсиш суръати 5,2 фоизни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 фоиз бандга камайган. Қуриш ишлари ҳажми (15 фоиз) мамлакат номинал ялли маҳсулотнинг ўсиш суръатларига (19 фоиз) нисбатан пастроқ шаклланди.

2023 йилда Ўзбекистонда аҳолининг уй-жой харид қилиш имкониятлари ҳам қисқарган. Йил якунига кўра, 1 кв. метр учун уй-жой нархи аҳоли жон бошига ҳисобланган номинал ялли маҳсулотга нисбатан 30 фоизни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 4 фоиз бандга ортган.

Кўчмас мулк бозоридаги уй-жой нархларига аҳолининг расмий даромадига боғлиқ бўлмаган бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатяпти. Утган йили уй-жой нархларининг бозор қиймати йиллик 36 фоизга, аҳолининг ўртача ойлик иш ҳақи эса 17 фоизга ўсган. Ушбу кўрсаткич айрим Марказий Осиё, Кавказ ва бошқа давлатлар кўрсаткичларига нисбатан юқоридир.

Шу билан бирга уй-жойларни ижара бериш хизмати рентабеллигининг пасайишига қарамай, спекуляция омили таъсирида кўчмас мулк бозорида юқори фаоллик ва талаб ҳажми ор-

ган. 2023 йил давомида кўчмас мулк бозорида уй-жойларнинг ўртача бозор нархи фундаментал нархидан 24 фоизга юқори баҳолашни кузатилди.

Макропруденциал чораларнинг қатъийлаштирилиши натижасида 2023 йилнинг иккинчи ярмида автокредитларнинг ҳам йиллик ўсиш суръатида секинлашиш кузатилди. Макропруденциал чоралар автомобил нархларининг кескин пасайиши шароитида автокредитлар бўйича йўқотишларни тижорат банкларида захира билан таъминлаш ҳамда автомобиль бозорида юзага келиши мумкин бўлган хатарларнинг банк тизими молиявий барқарорлигига таъсир кўламини камайтириш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, автомобиль бозорида нархларнинг 30 ва 40 фоизга камайиши банк активлари сифатига сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Автомобиль нархларининг 30 фоизга арзонлашишида кредитнинг гаров таъминоти (LTV) кўрсаткичи 120 фоиздан юқори бўлган автокредитлар улуши 11 фоизни, 40 фоизга пасайишида эса 83 фоизни ташкил этади. Бу эса қарз олувчиларда кредит миқдори автомобиль нархидан сезиларли даражада юқори бўлгани сабабли ушбу кредитларни тўлашдан кўра гаровни банкка қайтариш эҳтимоли юқорилигидан далолат беради. Айни ҳолат муаммоли кредитлар улушини мос равишда 5 ва 10 фоизгача кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Автивлар нархларининг 40 фоизга пасайиши натижасида банк тизими капитал монандлилик коэффициенти минимал талабдан сезиларли даражада паст шаклланди. 2026 йил якунига кўра, уй-жой ва автомобиль нархларининг 40 фоизга пасайиши натижасида жисмоний шахслар бўйича муаммоли кредитларнинг улуши мос равишда 17 ва 29 фоизни ташкил этиши эҳтимолга яқин. Натижада иккала ҳолатда ҳам банклар учун кредит йўқотишлари ҳажмининг ортиши банк тизими бўйича капитал монандлилик коэффициенти мос равишда 8,7 ва 7 фоизгача пасайишига олиб келиши мумкин.

Марказий банк Бошқаруvinинг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захира шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори тасдиқланди ва мазкур қарор жорий йил 22 июндан қучга киради.

– Низомига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ активлар сифати таснифланиши, шу жумладан, активлар сифати яхшилашни оид нормалар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш методологияси департаменти бошқарма бошлиғи Дилшод Абдувалиев**. – Бунда сифати “субстандарт”, “қоникарсиз”, “шубҳали” ҳамда “умидсиз” деб таснифланган активлар сифати яхшиланганда, жумладан, муддати ўтган қарздорлик сўндирилганда ва улар бўйича тўловлар низомида белгиланган талабларга мувофиқ кечиктирилмасдан амалга оширилганда ушбу активлар “стандарт” даражасига босқичма-босқич яхшилланишига оид тегишли нормалар белгиланди.

Активлар шартлари қайта кўриб чиқилганда уларнинг сифати қайси тоифада таснифланиши лозимлиги бўйича талабларга аниқликлар киритилди. Шартлари қайта кўриб чиқилган актив сифати “субстандарт”, “қоникарсиз” ёки “шубҳали” деб таснифлангандан кейин қайтариш графикага асосан камида кетма-кет 3 та тўлов тўлиқ ва ўз вақтида тўланган тақдирда, бундай актив сифатининг таснифи бир тоифага яхшилаб борилиши мумкин.

Шу билан биргаликда актив шартлари – биринчи марта қайта кўриб чиқилиши ушбу активнинг сифати бўйича аввалги таснифини ўзгартирмаслиги;

иккинчи марта қайта кўриб чиқилиши натижасида ушбу активнинг сифати шартлари қайта кўриб чиқилишидан олдинги тоифадан бир поғонага паст бўлиши;

уч ёки ундан ортиқ мартаба қайта кўриб чиқилиши натижасида ушбу активнинг сифати “умидсиз” тоифада таснифланиши ва у яхшироқ тоифага қайта таснифланиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Хуллас, киритилган ўзгартиришларга мувофиқ қонунчилик ҳужжатлари билан фавқулодда вазиятлар (қарантин) натижасида қарздор томонидан банк олдидаги мажбуриятни бажариш ёки лозим даражада бажариш имконияти бўлмаганда активлар сифатини таснифлаш, захира яратиш ва активлар шартлари қайта кўриб чиқилмаган деб ҳисобланиши Марказий банк томонидан белгиланади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



Давлат қарзи қарийб 35 миллиард долларга етди

2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг давлат қарзи бир йил давомида 5,7 миллиард долларга ўсиб, 34,9 миллиард долларга етди. Бу режа қилинган 2,9 миллиард доллардан сезиларли кўпдир. Шундан давлат ташқи қарзи – 29,6 миллиард АҚШ долларини, ички қарзи – 5,3 миллиард АҚШ долларга ёки ялли маҳсулотга (ЯИМ) нисбатан 38,4 фоизни ташкил этди. Бу ҳақида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳисоботида маълум қилинди.

Маълумот учун, ташқи қарз давлат ва хусусий қарзлардан иборат. Гап давлат қарзи ҳақида боради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатнинг ташқи қарзи 2023 йилда 3,73 миллиардга ошиб, 29,64 миллиард доллар бўлган (ЯИМнинг 32,6 фоизи). Бу маблағнинг 23,91 миллиард долларни ҳукумат номидан жалб қилинган, 5,72 миллиард доллар эса Ўзбекистон томонидан қафолатланган. Давлат ички қарзи 1,97 миллиард долларга ошиб, 5,29 миллиард долларни ташкил этган (ЯИМнинг 5,8 фоизи). Шундан 1,78 миллиард доллар (21,9 триллион сўм) давлат қимматли қоғозлари, 3,51 миллиард доллар давлат томонидан қафолатланган ички қарздор.

Давлат қарзининг мамлакат ЯИМга нисбати 2022 йил охирида 36,4 фоиздан 2023 йил охирида 38,4 фоизгача (35,7 фоиз режалаштирилган эди) ошган.

Таққослаш учун: 2017 йилда давлат қарзи 11,5 миллиард долларни ташкил этганди (олти йил ичида бу кўрсаткич 3 баравар ошди).

Кредиторлар кесимида давлат ташқи қарзи қуйдагича миллиард долларнинг эквивалентлигида тақсимланган:

Жаҳон банки 6,6;
Осиё тараққиёт банки 6,4;
Халқаро инвесторлар (халқаро облигациялар) 3,4;
Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги 2,0;
Хитой эксимбанки 1,9;
Хитой давлат тараққиёт банки 1,4;
Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки 1,3;
Ислон тараққиёт банки 0,9;
Корея Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси ва

бошқалар 0,8;

Халқаро валюта жамғармаси 0,8;
Франция тараққиёт агентлиги 0,7;
Европа давлатлари (Германия, Испания, Италия, Люксембург, Польша, Австрия) 0,4;
Япония халқаро ҳамкорлик банки 0,3;
Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Европа инвестиция банки 0,3;

Бошқа халқаро молиявий ташкилотлар 2,4;
Жами 29,6.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича давлат ташқи қарзи 2023 йил охирида қуйдагича кўринади:

– Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш – 11,6 миллиард доллар, умумий қарзнинг 33,2 фоизи (2022 йил охирида 8,6 миллиард долларни ташкил этган);
– Энергетика – 5,8 миллиард доллар ёки умумий қарзнинг 16,6 фоизи (3 миллиард доллар);
– Қишлоқ ва сув хўжалиги – 2,8 миллиард доллар (2,54 миллиард доллар);
– Транспорт ва транспорт инфратузилмаси – 2,8 миллиард доллар (2,84 миллиард доллар);
– Уй-жой коммунал хўжалиги – 2,6 миллиард доллар (2,3 миллиард доллар);
– Тадбиркорлик ва саноат ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш – 1,1 миллиард доллар (1,1 миллиард доллар);
– Кимё саноати – тахминан 900 миллион доллар (1 миллиард);
– Таълим, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация – 2 миллиард доллар (1,1 миллиард);
– Бошқа тармоқлар – 897 миллион доллар (0,91 миллиард). Қарзнинг деярли 50 фоизи бюджетни қўллаб-қувватлаш ва энергия учун кетган.

Қарзнинг валюта тузилиши

Ташқи қарзнинг валюта тузилиши (бу валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт учун ҳақиқий хавф кўрсаткичларидан бири) қуйдагича кўринади:

– АҚШ доллари – 71,4 фоиз (75,7 фоиз эди);

– Ўзбек сўми – 6,9 фоиз (1,6 фоиз);
– СДР (Махсус қарз олиш ҳуқуқи) – 6,7 фоиз (7,2 фоиз);
– Япон иенаси – 6,2 фоиз (8,1 фоиз);
– Евро – 4,1 фоиз (4,8 фоиз);
– Хитой юани – 1,9 фоиз (0,8 фоиз);
– Жанубий Корея вони – 0,5 фоиз (0,67 фоиз);
– Саудия реали, Кувайт динари ва БАА дирҳами – 0,6 фоиз (2,3 фоиз).

Эслатиб ўтайти, 2023 йилда давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш учун 6,87 триллион сўм йўналтирилиши режалаштирилган бўлса-да, амалда 1,12 миллиард доллар тўланган (ўтган йилги ўртача курс бўйича қарийб 13,15 триллион сўм).

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳисоботида бу ўтган йил бошида халқаро молия бозорларида (SOFR) фоиз ставкалари 2,99 фоизни ташкил этгани, йил охирига келиб эса 5,34 фоизга етгани, шу сабабли давлат қарзи бўйича фоиз тўловлари ошгани билан изоҳланган. Шунингдек, 19,1 триллион сўм қарзни тўлаш режалаштирилган – 1,69 миллиард доллар (тахминан 19,8 триллион сўм) ажратилган.

Шу тариқа давлат қарзи ва фоиз тўловларини тўлаш учун жами 2,82 миллиард доллар йўналтирилган, бу 2022 йилга нисбатан 68,8 фоиз, 2021 йилга нисбатан эса 2,1 баравар кўпдир.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, 2024 йилда 32,27 триллион сўмлик қарзни сўндириш ва 16,38 триллион сўмлик фоизларни (жами – 48,65 триллион сўм ёки ЯИМнинг 3,7 фоизи) тўлаш режалаштирилган.

2023 йилда эса Ўзбекистоннинг консолидациялашган бюджет дефицити рекорд даражадаги 59 триллион сўм (5 миллиард доллардан ортиқ)га етиб, ўтган йиллардаги кўрсаткичлардан анча юқори бўлди. Утган йил охирида ҳукумат парламент орқали давлат харажатлари чегарасига тўғри келмагани учун лимитни оширган. Шу йилнинг январь-апрель ойларида давлат бюджети дефицити 25,5 триллион сўм (2 миллиард долларга яқин)ни ташкил қилди.

Тоштемир МУРОД тайёрлади.



NUQTAI NAZAR

Ўзбекистонда туғилишни режалаштириш керакми?



2024 йил 22 апрель куни Ўзбекистон аҳолиси сони 37 миллионга етди. Эсингизда бўлса, 36 миллионлик маррани 2022 йил 8 декабрь куни босиб ўтган эдик. Қаранг, 1 йилу 4 ойда яна 1 миллионга кўпайдик. Бундай даражада ўсишни давлат ва жамият кўтара оладими? Асосий савол: туғилишни режалаштириш керакми?

Дунёда аҳоли сони аллақачон 8 миллиарддан ошган ва бу рақам йилдан-йилга жадал кўтарилиб бормоқда. Маълумотларга кўра, сўнгги 200 йилда одамлар сони саккиз баравар кўпайди. 1900-йилларнинг бошида сайёрада 1,6 миллиард, аср ўрталарида 2,6 миллиард, XXI асрга келиб 6 миллиард, 2011 йилда – 7 миллиард одам яшаган.

Ўзбекистон ҳам аҳоли сони тез суръат билан ўсиб бораётган давлатлардан. 1991 йили мамлакатимиз аҳолисининг сони 21 млн эди. Прогнозларга кўра, 2120 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси сони қарийб 210 млн кишига етиши мумкин. Бу эса, албатта, бир қанча муҳим стратегик вазифаларни ишлаб чиқиш, амалга оширишни назарда тутаяди.

Демографик кўрсаткичнинг жадаллашувига ёндашувлар ҳам турлича. Кимдир бу иқтисодий инқирозни келтириб чиқаришни таъкидласа, яна кимдир иқтисодий ривожланишга олиб келади, демоқда.

ИНСОН КАПИТАЛИ МУҲИМ, АММО...

Ўзбекистонда аҳоли сони кескин ўсиб бормоқда. Бу яхши. Яхши томони шундаки, бу инсон капитали. Яъни, биз келажакда ишчи кучи, кадрлар танқислиги билан боғлиқ муаммоларни вазиятларга дуч келмаймиз. Лекин дунё бўйича лойиҳалаштириш каби долзарб йўналишлар бор. Ҳозирги кунда туғилган фарзандларнинг сонидан келиб чиқиб, келажакни лойиҳалаштиришимиз керак. Аҳоли сони кўпайишига қараб келажакни яратишимиз керак, - дейди социолог Феруза Маҳмудова. - Айтилик, ҳар йили қанча бола туғилипти, шу туғилишга қараб боғчаларни, мактаблар ва олий таълим даргоҳларини мослаштиришимиз керак. Кейинчалик шу ўсишга яраша иш ўрни яратиш имкониятларини ўрганиш зарур. Кўпгина давлатларда бугунги кунда ишчи кучига эҳтиёж мавжуд. Бизда эса ёшларимиз кўп. Уларни фақат ўқишга, касб-ҳунарга тўғри йўналтиришимиз керак бўлади.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисоди ҳам, сиёсати ҳам, маънавияти ҳам аввало, аҳоли билан. Худуд билан аҳоли сони мутаносиб бўлиши керак. Қолаверса, одамларимиз орасида ҳамон боқимандачилик кайфияти ҳам учраб туриши сир эмас. Яъни, "Кўп болали оилалиман, демек, давлат менга ёрдам бериши зарур", деган қараш билан юрганлар бор. Аслида оилани режалаштириш керак. Яъни, хонадоннинг иқтисодий аҳоли, аёлининг-онанинг саломатлиги, болалар таълим-тарбияси, соғлом овқатланиш каби муҳим масалаларга шунчаки кўз юмиб ўтиш керак эмас.

Демографик жараёнлар, биринчи навбатда, ижтимоий-иқтисодий ва аҳоли бандлиги меҳнат фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатиб, миллий иқтисодиёт ва жамият ривожланишининг

асосий омили бўлиб хизмат қилади, - дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Молия ва молиявий технологиялар" кафедраси доценти Шухратжон Фозилчаев. - Шунингдек, инсон капитали сифати, бандлик ва ишсизлик даражаси, ялли ишлаб чиқариш, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад кўрсаткичлари, уй-жой билан таъминлаш, кексаларнинг, ногиронлиги бор ва боқувчисини йўқотганларнинг пенсия таъминотини ташкиллаштириш масалаларида ҳал қилувчи ўрин тутаяди. Шу маънода айтадиган бўлсак, аҳоли сонининг кўпайиши ҳам муаммо, ҳам имкониятдир. Бир томондан, меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўплиги барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Бошқа томондан мамлакат иқтисодиёти ҳар йили миллионлаб ишчи ўринларини яратиши керак.

Давлатимизда аҳолининг жадал суръатда ўсиши баробарида уй-жой, ижтимоий инфратузилма, аҳолининг саводхонлик даражаси ва илмий потенциални юксалтириш, мактабгача ва мактаб таълим қамровини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби долзарб масалаларни кун тартибига чиқармоқда. Чунки Асосий қомусимизга мувофиқ, давлат фуқаролар учун бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим ҳамда тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини олишни кафолатлайди.

Демографик жараёнларни назорат қилиш қайсидир маънода инсон ҳуқуқларини чеклашдек кўринади, лекин онгли жамият ҳар доим ўзининг демографик сиёсатини режалаштириши, сифатли инсон капитали имкониятларидан самарали фойдаланиши лозим.

Аҳолининг ўсиши табиий ресурсларга талабни ошириб боради. Шу маънода айтадиган бўлсак, бу жараённи назоратда ушлаб туриш ва режалаштириш керак, деб ўйлайман.

Аввалги йилларда туғилишлар сони 700-800 мингга ташкил этган бўлса, 2018 йилдан ҳозирги кунгача 920 минг – 960 минг нафарни ташкил этмоқда. Бу



Туғилишни, умуман, оилани режалаштириш ҳозирги даврда асосий масала ҳисобланади. Эр-хотин оилада фарзандларни дунёга келтиришда масъулиятни, режали ёндашувни ҳис қилмоғи керак. Шунда бу оилада туғилаётган фарзанд ҳам соғлом бўлади, соғлом вояга етади. Миллат генофондини асрашда бу жуда муҳим!

ижтимоий соҳа объектларига ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, мактабларга чиқаётган болалар сонини олайлик. Бир пайтлар ўртача 700 мингга яқин бола биринчи синфга қабул қилинган бўлса, эндиликда бу рақам яна бир неча юз мингга ошиши кутиляпти. Асосий сабаб – бу юқори туғилиш кўрсаткичидир, - дейди Макроиктисодий ва худудий тадқиқотлар институти ходими Мухаббат Аҳмедова. - Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатлардаги аҳолининг "қариши", бизнинг прогнозларга кўра, Ўзбекистонда яқин ўн йилда кузатилмайди. Лекин меҳнатга лаёқатли ёшдан катта бўлган аҳоли сони улushi секин-аста ошаётгани ҳам бор гап. Бу эса пенсия жамғармасига катта таъсир ўтказаяди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимига, қарияларнинг кўп бўлиши ижтимоий ходимлар сонининг ошишига, пенсияга ажратилаётган жамғармаларнинг кенгайишига ва, умуман олганда, бугунги пенсия тизимини қайта кўриб чиқишни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, аҳоли сонининг ўсиши инсон капиталига сармоялар киритишни тақозо этади.

Аҳоли сонининг ўсиши ёмон, деб айта олмайман. Шунга қараб сиёсат олиб бориш керак. Аҳоли нуфуси ошиши жамиятнинг, республиканинг бойлиги, деб ўйлайман.

ОИЛАНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ(МИ)?

Мутахассисларнинг айтишича, демографик жараёнлар нафақат объектив оилаларга, балки никоҳ-оила муносабатларига ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда ёшларимизнинг ўз оилаларини онгли равишда режалаштираётгани жамиятимиздаги ижобий ўзгаришлардан биридир.

Оилани тўғри режалаштириш, энг аввало, болаларга зарур бўлган барча моддий ва номоддий неъматлар – сифатли таълим, озиқ-овқат, уй-жой билан таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги демографик муаммолар нуқтаи назаридан қараганда, оилани режалаштириш вақти келдимикан?

Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

Ўзбекистонда нуфус ошишининг ижобий томонлари ҳам жуда кўп аслида. Масалан, аҳолимизнинг 60 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил қилади. Бизда туғилишларнинг кўпайиши, ёшларнинг кўплиги иш қобилиятининг кўплигига олиб келади. Шу билан бирга, аҳолининг ўсиши бир қатор масалаларни ҳам ҳал қилиш кераклигини кўрсатади.

Ҳар қандай давлатда демографик кўрсаткичлар доимий назоратда бўлиши керак. Масалан, бизда йилга ўртача 1 миллион нафарга кўпайиш кузатилаётган бўлса, демек, боғча мактаблар, тиббий муассасалар сонидан ҳам шундай тадрижий ўсиш бўлиши лозим.

Жойларда репродуктив саломатликни асраш, оилани режалаштиришга қаратилган тарғибот ишлари кенг қўламда олиб бориляпти. Бунинг учун жойларда штаблар ташкил этилган. Ушбу штабларни биз куни кеча назорат-таҳлил давомида ҳам кўриб келдик.

Шуниси аниқки, соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган ходимнинг "Оилада она ва бола саломатлиги муҳим", дегани билан иш битмайди. Бу борада жамиятнинг ҳаракатларини бирлаштириш керак. Айнан шу жойда штаблар тиббиёт ходимлари, маҳаллий ҳокимлик вакиллари, маҳалла еттилиги билан бирга-ликда иш олиб бориши керак.

Туғилишни, умуман, оилани режалаштириш ҳозирги даврда асосий масала ҳисобланади. Эр-хотин оилада фарзандларни дунёга келтиришда масъулиятни, режали ёндашувни ҳис қилмоғи керак. Шунда бу оилада туғилаётган фарзанд ҳам соғлом бўлади, соғлом вояга етади. Миллат генофондини асрашда бу жуда муҳим!

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
муҳбири.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Статистика агентлигига кўра, 2024 йилнинг 1 апрель ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг демографик кўрсаткичлари қуйидагича ифодланади:

- эркаклар сони – 18,6 млн. киши;
- аёллар сони эса 18,4 млн. нафар.

Шаҳарда 18,9 млн киши яшаса, қишлоқларда бу кўрсаткич 18,1 млн кишини ташкил этмоқда.



ELEKTORAT MANFAATI

Наманган вилоятида энг фаол нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақида гап кетганда, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими ва "Кексаларни эъзозлаш" жамоат фонди саноқ аввалида тилга олинади. Айниқса, мазкур ташкилотлар ёшлар тарбиясига масъуллик нуқтаи назаридан "Уч авлод учрашуви" номи остида ғоятда таъсири тadbирлар ўтказишмоқдаки, бунда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган пиру бадавлатларимиз донишмандлиги кўл келаётир.

"Вилоятда кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш" лойиҳаси ҳам айнан шу - "Нуроний" жамғармаси ва "Кексаларни эъзозлаш" жамоат фонди вилоят бўлимлари раҳбар-мутасаддиларининг иши.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан мазкур лойиҳа учун 200,0 миллион сўм давлат гранти маблағи йўналтирилган эди.

Ўтган бир йил мобайнида грант маблағлари асосида лойиҳада кўзда тутилган ишлар самарали амалга оширилди.

Жумладан, ажратилган маблағнинг тенг ярмидан кўпроғига ижтимоий ҳимояга муҳтож, яқка ёлғиз ва бемор бўлган нуро-

КЕКСАЛАР ДОНИШМАНД, ЁШЛАР ШИЖОАТЛИ БЎЛСА...



нийларимиз учун белгиланган тартибдаги тендер танловлари орқали 400 дона дори-дармонлар кўтиси, 600 дона тонометр сотиб олиниб, вилоятда мавжуд 788 та маҳалла фуқаролар йиғини орқали аниқланган кўмакка муҳтож қарияларга етказиб берилди.

"Соғлом турмуш тарзи учун", "Дунё яхшилар борлиги учун ободир" номли китоблар мавжуд маҳаллалардаги кексалар маслаҳат гуруҳи аъзоларига, маънавият тарғиботчиларига қўлланма тарзида бепул етказиб берилди.

"Бир нуронийга 10 нафар ёш", "Кексалар

туризм ойлиги", "Ҳеч ким меҳр-оқибатдан четда қолмасин", "Нуроний ҳар бир оилга масъул" йўналишларида олиб борилган тарғибот ишлари таъсирчанлиги таъминландики, туман ва шаҳар ҳудудларидаги катта ҳаёт тажрибасига эга тарғиботчилар ҳам бу ишга кенг жалб этилдилар. Бугунги глобаллашув даври ахборот хуружларининг ортиб бораётгани ёшлар тарбияси масаласида ҳар дақиқа ҳушёр ва огоҳ туришимизни талаб қилаётганидан келиб чиқса, лойиҳа мазмуни, мақсад-муддаоси ва ижросидаги қамров ҳамда шижоатни ҳис этамиз.

Кекса авлод вакиллари жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ушбу лойиҳа доирасидаги ишларнинг якуний ҳисоботида шулар ҳусусида сўз борди. Лойиҳа етакчиси, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раҳбари, сенатор Икромхон Нажмидинов, Ўзбекистон Қаҳрамони Ойшахон Қўчқорова, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Носиржон Деҳқонов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Дарҳақиқат, кексалар ёшларга, ёшлар кексаларга таянч ва суянч бўлган жамиятда қадриятлар сайқал топади, тарбия юксалади, тараққиёт йўли равоз бўлади.

Тўкин дастурхон теварагида давом этган якуний ҳисобот йиғилишида лойиҳа асосидаги тарғибот ишларида фаол қатнашганлар рағбатлантирилди.

Раҳмонжон ЭГАМБЕРДИЕВ, Наманган вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш ўқув маркази директори.

REKLAMA O'RNIDA

"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ:

Кичик бизнесга катта имкониятлар

Миллий матбуот марказида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан "Кичик бизнес ривожини учун сармоялар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Таъкидланганидек, 2023 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-tadbirlari тўғрисида"ги қарорга асосан "Қишлоқ кичик бизнес банк" негизда "Бизнесни ривожлантириш банки" ташкил этилган бўлиб, ушбу молиявий муассаса устувор равишда кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш ва уларга комплекс хизматлар кўрсатишга йўналтирилган.

Анжуманда айни йўналишда банк томонидан амалга оширилаётган самарали чора-tadbirlar тўғрисида маълумот берилди. Банкнинг халқаро молия институтларининг маблағлари ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали истиқболли кичик бизнес лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда, - дейди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ бошқарув раиси ўринбосари Бобохон Бобохонов. - "Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси" МЧЖ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кичик тadbirkorlik субъектларига бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва ишга туширишга кўмаклашиш, уларга консалтинг хизматларини кўрсатишга масъул бўлган 14 та кичик бизнесга кўмаклашиш марказлари ташкил этилди.

Шу билан бирга Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги "Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-tadbirlari тўғрисида"ги қарорига асосан банк томонидан 2023-2026 йилларда "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастурини амалга ошириш белгиланган. Дастур доирасида бизнес жараёнларини автоматлаштирган ҳолда ташкил этиш учун Бизнес портал ишга туширилди ва тегишли идораларнинг тadbirkorlik йўналишидаги ахборот тизимлари базаларига интеграция қилинди. Ҳозирда ушбу Бизнес портал орқали мижозларга онлайн молиявий ва консультатив хизмат кўрсатилмоқда.

- Жорий йилнинг 1 май ҳолатига тadbirkorlik субъектларига ажратилган кредитлар қолдиги 10,5 триллион сўмни



(жами портфелдаги улуши - 50,2 фоизини) ташкил этди, - дейди "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш департаменти директори Фаррух Норбеков. - Жумладан, саноат соҳасига 4,3 триллион сўм, хизмат кўрсатиш соҳасига 1,6 триллион сўм, савдо ва умумий овқатланиш соҳасига 1,7 триллион сўм, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига 1,6 триллион сўм, қурилиш соҳасига 1,3 триллион сўм тўғри келади. Жорий йил давомида тadbirkorlik субъектларига 1 427,1 миллиард сўм кредитлар ажратилган.

Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш мақсадида, жумладан, 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар 799,6 миллиард сўмни, 150 миллион сўмгача гаров талаби пасайтирилган кредитлар 8,5 миллиард сўмни ташкил этади. Жорий йил бошида банк кредит маҳсулотларидан фойдаланувчи тadbirkorlik субъектлари сони 5 минг 291 нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич ҳозирги кунда 3 баробарга ошиб, 16 минг 4 нафарга етган.

Матбуот анжуманида қайд этилишича, банк томонидан тadbirkorlik субъектлари учун бозор талабларидан келиб чиқиб 30 дан ортик турда кредит маҳсулотлари жорий этилган. Жумладан, мақсадсиз микрокредит (нақд ёки нақдсиз), айланма маблағларни тўлдириш учун кредит, асосий воситалар сотиб олиш учун кредит, янги иш ўрни яратишни рағбатлантирувчи кредит, кўп қаватли уй-жой қуриш учун кредит, хизматлар соҳасини ривожлантириш учун кредит, ёшларни қўллаб-қувватлаш учун кредит, лизинг ва бошқалар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, банкнинг тadbirkorlik субъектларига кўрсатаётган банк хизматлари натижасида жорий йил давомида банк мижози бўлган юридик шахслар томонидан 19 минг 740 та янги иш ўрни яратилган. Шунингдек, тadbirkorlik субъектлари учун банк кафолати бўйича 3 турдаги ("Тендер", "Аванс" ва "Шартнома шартларини таъминлаш") нокредит маҳсулотлари жорий қилинган. Мижозлар эҳтиёжларидан келиб чиқиб 20 турдаги банк хизматларини бирлаштирган ҳолда пакетлар ("Бизнесга биринчи қадам", "Бизнесга кўмак", "Бизнес прайм" ва "Бизнес VIP" амалиётга киритилган. Ушбу банк хизматлари бўйича пакетларга уланишнинг асосий афзалликларидан бири сифатида масофавий хиз-

мат ("Internet-Banking", "Mobile-banking" ва "SMS-banking")ларга уланиш ва ойлик абонент тўловлари бепул қилинганини алоҳида кўрсатиш мумкин. Банкнинг кўп йиллик доимий йирик пул оқимига эга бўлган 50 дан ортик мижозлари (тadbirkorlik субъектлари) мурожаатларига асосан дебет айланмасидан олинadigan хизмат ҳақиға имтиёзлар тақдим этилди ва ушбу кўрсатилadigan банк хизматлари натижасида жорий йил давомида 10 минг 410 нафар янги мижоз жалб қилинди.

Матбуот анжумани қизғин савол-жавоблар билан давом этди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



MUASSIS: O'zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi TAHRIR HAY'ATI: Ulug'bek INOYATOV, Ulug'bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihidin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3 Telefonlar: (71) 239-12-14 Reklama бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV G — 537. 3486 nusxada bosildi. O'za yakuni — Topshirilgan vaqti — 1 2 3 4 5 6 t — Tijorat materiallari Sotuvda kelishilgan narxda